МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

O‘ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI — MAHALLA

ШАНБА

2014 йил 20 декабрь, №104 (1071)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

## Очиқ-ошкора сайловлар — демократик ислоҳотлар самараси

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўладиган сайловларни кузатиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар экспертлари, мутахассислар мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар, сайловга кўрилган тайёргарлик билан танишмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.**

**Владимир ЧУРОВ,**
***Россия Федерацияси марказий сайлов комиссияси раиси:***

— Демократик сайловлар мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг муҳим омили. Ўзбекистоннинг мазкур соҳага оид қонунчилигида халқаро андозаларга мос барча зарур жиҳатлар ифодасини топган. Сайловлар кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланганини ва сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилгани эътиборга сазовор. Бу Марказий сайлов комиссиясининг бошқа ҳокимият органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишини таъминлайди.

Муддатидан олдин овоз берувчилар, саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра сайлов биносига кела олмайдиганлар учун ҳам етарли шароитлар яратилган. Чет элдаги фуқаролар учун Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналарида, жумладан, Россияда ҳам сайлов участкалари ташкил этилган.

Биз сайловни Самарқанд ва Бухорода кузатиб борамиз. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси кун сайин ўзгариб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бораётгани, халқингизнинг миллий маданияти ва қадриятларига ҳурмати юқори экани эътиборга лойиқ. Айниқса, ёшларнинг ҳар жабҳада фаоллигига ҳавасим келди. Улар замонавий технологияларни чуқур эгаллаган, билимли, бир неча тилда сўзлаша олади. Бундай улкан бойликка эга мамлакатнинг келажаги буюкдир.

**Тьери МАРИАНИ,**
***Франция миллий ассамблеяси депутати:***

— Сайлов руҳи, унга одамларнинг қизиқиши ҳар қадамда намоён. Каттаю кичик сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан, сиёсий партиялар фаолиятидан яхши хабардор. Сайловчилар депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури ҳақидаги маълумотлар билан танишган. Буларнинг барчаси парламент сайловининг демократик, очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтишига ва сайловчиларнинг номзодларни танлаш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлардан хабардорман. Мисол учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди таклиф этилиши тамойили сиёсий партияларнинг ролини янада оширишга хизмат қилади.

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид концепция асосида қабул қилинган қонунлар Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини янада кучайтирган. Ижро ҳокимияти органларининг парламент олдидаги масъулиятини оширган.

Юртингизга ҳар келганимда улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган меъморий обидалар, маданий ёдгорликларни зиёрат қилиб, маънавий озуқа оламан. Гўзал табиат, боғу роғлар, кенг ва файзли кўчаларни кўриб, завқланаман.

> [2]

ФОТОТАНЛОВ




Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

## Қадрдон масканда акс этган қадриятлар

**Тошкент фотосуратлар уйи. Катта зал бўйлаб деворга илинган ранг-баранг суратларнинг ҳар бири ўзига хос, бири иккинчисини такрорламайди. Жумладан, бир суратда оқ рўмол ўраган, ёши асрга тенгдош момонинг жажжи набирасини қучоғига олиб тургани акс этган.**

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

Ҳаёт синовларида тобланган, юзига йиллар силсиласи чизиқ тортган қиёфаси, қадоқ қўллари тасвири момонинг салобатини янада оширган. Кўриниб турибдики, шу ёшда ҳам у авлодлар тарбияси учун қайғуради, улар қалбига меҳр улашади.

Бошқа бир суратда кичик ёшли шогирднинг нозик қўллари моҳир устанинг забардаст қўлларига туташгани муҳрланган. Сопол кўзага ишлов бераётган, лойга беланган икки жуфт қўл тасвиридангина иборат суратга зимдан разм солсангиз, юртимизда узоқ асрлардан бери чуқур илдиз отган катталарнинг доимо кичикларни асраб-авайлаши, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари учун бирдек жон куйдириши, кишиларнинг ҳалол меҳнатдан ризқ-рўз топишга одатлангани каби жуда кўп маънони илғай оласиз.

Томошабинлар юзида беихтиёр енгил табассум уйғотаётган бошқа бир суратда эса тандир бошидаги манзара акс этган. Унда қип-қизил чўғдек товланган тандир, саватда бир текис пишган ширмой нонлар гўё қуёш каби порлайди. Оқ яктак кийиб, белига шоҳи белбоғ боғлаган болакай қайноқ кулчани қўлларида базўр ушлаб турибди. Унинг беғубор юзи, чарақлаган кулгуси жуда жонли. Гарчи акс этмаган бўлса-да, фотосуратда тандирларни тўлдириб нонлар ёпадиган онаизорлар меҳрини ҳам уқиш мумкин. Юртимиздаги тўкин-сочинликни, бахтиёр улғаяётган болаларнинг мамнунлигини битта кадрга муҳрлай олган ижодкор ишини кузата туриб, қадрдон хотиралар жонланади, болалик дамлари, онажону бувижонларимиз ёпган лўппи нонлар мазаси илиқ туйғуларга кўчиб, кўнгилни яйратади.

> [4]

ЭЪТИРОФ

## «Ҳайрат ва ҳавасимиз чексиз...»

**Сайёҳлик соҳаси мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг муҳим омилларидан. Шу боис республикамизда бу тармоқ ривожига эътибор юқори даражада. Жумладан, Хоразмда, айниқса, Хивада кейинги йилларда сайёҳлик соҳаси жадал ривожланаётир. Бу йўналишда Япония билан ўзаро муносабатлар изчил йўлга қўйилган.**

**Сайёра ЁҚУБОВА,**
**Хива Ичан қалъа музей-қўриқхонаси илмий ходими.**

Ҳар йили кун чиқар юртдан ташриф буюраётган сайёҳлар оқими бошқа мамлакатлардан келаётган меҳмонларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилмоқда. Бу борадаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида яқинда Хивага Япониянинг «БС Асахи» телекомпаниясининг бир гуруҳ ижодий ходимлари ташриф буюришди. Улар қадимий шаҳар ўтмиши ва бугуни, тарихий ёдгорликлари, урф-одат ва қадриятлари, миллий ҳунармандчилик ҳамда воҳа табиати ҳақида махсус кўрсатувни тайёрлашди.

— Бизга икки йилдан буён Хива туризм ва бизнесни ривожлантириш марказида менежер бўлиб ишлаётган юртдошимиз Миба Накагава яқиндан ёрдам кўрсатди, — дейди режиссёр Чида Шин. — У бизга Хива ва унинг Ичан қалъаси ҳақида қизиқарли маълумотларни тўплаб берди. Биз Хива обидаларидан ҳайратга тушдик. Очиқ осмон остидаги бу музей-шаҳар давлат муҳофазасига олиниб, асраб-авайланаётган, айниқса, Президент Ислом Каримов томонидан туризмни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлар ушбу обидаларнинг бойлигига хизмат қилмоқда. Кўрсатувда шулар ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ сўз юритилган. Кўрсатув яқин орада телекомпаниямиз томонидан намойиш этилади.

Ҳа, сайёҳлик умуминсоний муносабатлар асосида равнақ топаётган соҳа. Буни япониялик ижодкорлар билан давом этаётган дўстона алоқалар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

ЙИЛ ПОЁНИДАГИ ЎЙЛАР

## Нуфузга яраша масъулият ҳам ортади



**Якунланаётган йил барча соҳаларда, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳам ўзига хос самарали давр бўлди. 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтганди. Мазкур сайловда халқ ишончини қозониб, фуқаролар йиғини раиси этиб сайланганлар жорий йилда куч-ғайрат, масъулият билан меҳнат қилдилар.**

**Нормурод ИСОҚОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун маҳалла раислари, шунингдек, йиғиннинг барча ходимлари фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида «Маслаҳат марказлари» ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Айни пайтда Навоий вилоятидаги юздан ортиқ маҳаллада «Маслаҳат марказлари» ташкил этилиб, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи, оилавий корхона очмоқчи бўлган фуқароларга иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари хусусида тушунчалар беріляпти. Шунингдек, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашилмоқда.

> [2]

ХУШХАБАР

## Оилалар уйли, уйлар файзли бўлди

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма икки йиллиги байрами арафасида Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги «Ғалаба» маҳалласи ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 30 та уй-жой ўз эгаларига топширилди.**

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

— Янги уйга эга бўлиш оила учун катта қувонч, — дейди хонадон соҳиби, «Даллер» фермер хўжалиги раҳбари Қўнар Умаров. — Замонавий тураржойлар қаторида савдо дўкони, новвойхона, сартарошхона қурилгани аҳолига қулайлик яратди.

Мирзачўл қумликларига туташ «Ғалаба» маҳалласи йил сайин обод бўлиб бораётир. Бу йил намунавий лойиҳада барпо этилган уйлар кўҳна масканнинг қиёфасини янада кўркамлаштирди. Ушбу иншоотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳудудга ўзгача файз бағишлаб турибди.

Бунёдкорлик ишлари вилоятнинг барча туманларида амалга оширилмоқда. 2014 йилда вилоятдаги 29 та қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида умумий қиймати 90,4 миллиард сўмлик 627 та уй қурилди.

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

## Муаммолар ечимида муҳим кафолат

**Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри Ҳайдар Камол номидаги маҳалла аҳли ҳудуддаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг Ўзбекистон кўчасини кесиб ўтиши, бу йўлда автомобилларнинг серқатновлиги ҳамда юқори тезликда ҳаракатланиши оқибатида кўнгилсиз ҳолат юзага келиши мумкинлиги юзасидан фуқаролар йиғинига мурожаат қилишди.**

**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

Раис Собир Қўлдошев бу масалани жорий йилнинг учинчи чорагида шаҳар ҳокимининг маҳалладаги ҳисоботида ўртага ташлади. Шаҳар ҳокими Шуҳрат Раҳмонов бир ҳафта муддатда мазкур кўчага светафор ўрнатиш, пиёдалар чизиғи ҳамда ҳаракат тезлигини чекловчи белгилар қўйиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига топшириқ берди.

Ҳа, бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги билан аҳоли манфаатларини ифода этадиган кўплаб муаммоларга вақтида ечим топилаётганидан кўпчилик мамнун. Бунда фуқаролар йиғинлари вазифасига кирадиган масалалар юзасидан ҳар чоракда мансабдор шахсларнинг маҳаллаларда ҳисоботлари тингланаётгани қўл келаётир.

> [3]

МУТАСАДДИ МАЛАКА ОШИРАДИ

## Машғулотлар маҳорат ва муваффақиятни оширади

**Фаолиятимни самарали йўлга қўйишда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида олган билимларим асқатяпти.**

**Сурхон РАҲМОНОВ,**
**Шаҳрисабз туманидаги Шакартери қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ҳудудимизда «Маслаҳат маркази» ташкил қилдик. Унга жалб этилган малакали мутахассислар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмак беряпти.

Бундан ташқари, ўқувларда маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, савдо-саноат палатаси туман бўлими, банк, солиқ ходимлари кўмагида иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, солиқ соҳасидаги енгилликлар, қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар бўйича малакамизни оширдик.

Ҳудудимизда 5 та тикувчилик цехи, 20 га яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилгани туфайли 157 та янги иш ўрни яратилди. Ҳомийлар кўмагида 30 та оилага парранда тарқатилди. Айни пайтда йиғинимизда кам таъминланган оила қолмади. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси аъзоларининг саъй-ҳаракати билан 21 та эҳтиёжманд оилага қорамол тарқатилди. Ҳудуддаги 25 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож нуроний, уруш ва меҳнат фахрийлари тадбиркорларга бириктирилди. 120 нафар йигит-қизни жамлаган тўгаракларда ёшлар ҳунармандчилик сир-асрорларини ўрганяпти.

Ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш доимо эътиборимизда. Айниқса, машғулотларда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятини ўрганганимиз қўл келди: ҳомийларни жалб этган ҳолда 6,2 километрга қувурлар тортилиб, 150 дан зиёд хонадонга тоза ичимлик суви етказиб берилди, 6 километр ички йўллар таъмирланди.

Ўқув курсида орттирган тажрибаларимизга асосланиб, фуқаролар йиғини қошидаги комиссиялар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ҳар бир комиссия режасини қайта кўриб чиқиб такомиллаштирдик. Хусусан, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия ташаббуси билан фуқаролар йиғинида намунали оилалар сонини янада кўпайтириш, кўчаларни ободонлаштириш, томорқалардан унумли фойдаланишни изчил йўлга қўйиш мақсадида «Энг обод кўча» ва «Энг намунали хонадон» кўрик-танловлари ўтказилмоқда.



СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

# Очиқ-ошкора сайловлар — демократик ислоҳотлар самараси

< [1]

**Ойдин АББОСОВ, Озарбайжон миллий мажлиси депутати, «Озарбайжон — Ўзбекистон» парламентлараро гуруҳи раҳбари:**

— Сайловларга юксак даражада тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдик. Мамлакатингиз эришаётган ютуқлар Президент Ислом Каримов томонидан танлаб олинган тараққиёт модели нақадар тўғри эканини яққол исботламоқда.

Ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, иликлик бу табаррук заминга илк қадам қўйган лаҳзаларданоқ сезилади. Азалдан қардош бўлган халқларимиз ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар, дўстона ришталар мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича белгиланган асосий қоидалар, парламент ва сиёсий партиялар ўрнининг қонуний жиҳатдан кучайтирилгани бизда катта таассурот қолдирди.

**Рафаэль НЕКТАЛОВ, халқаро кузатувчи (АҚШ):**

— Ўзбекистонга ўн йил олдин келгандим. Мамлакатингизнинг ривожланиш динамикаси, одамлар дунёқарашидаги ўзгаришлар мени ҳайратга солди.

Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Барча участкалар жуда озода ва шинам, сайловчилар учун ҳамма шароит яратилган.

Ўзбекистон халқи юксак маданиятга, бой маънавий меросга эга. АҚШ телевидениеси орқали Нукус санъат музейи ҳақидаги фильмни кўрган эдим. Бу ердаги ноёб экспонатларни бевосита томоша қиларканман, давлатнинг маданиятга, тарихга, санъатга бўлган муносабатини ҳис қилдим. Музейда сақланаётган ажойиб дурдоналар мени лол қолдирди.

**Леонардо КОМУЧЧИ, «Ил Сантуччио» уюшмаси президенти, Флоренция провинцияси кенгаши аъзоси (Италия):**

— Ўзбекистон парламент тизими халқаро андозалар асосида ривожланиб бормоқда. Сайловларга юқори даражада тайёргарлик кўрилгани, сиёсий партияларнинг фаоллиги ва бу жараёнга аҳолининг қизиқиши шундан далолат беради.

Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Флоренция ва Самарқанд ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилиб, улар биродарлашган шаҳарларга айлангани билан фахрланамиз. Мамлакатингиз ёшлари юксак интеллектуал салоҳиятга эга. Давлатингиз раҳбари томонидан хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратилаётганини эшитиб хурсанд бўлдик. Бундан руҳланиб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти билан Италиянинг Флоренция университети ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ниятидамиз.

**Давид ЛЮКСЕМБУРГ, «Змадим» суғурта компанияси президенти (Исроил):**

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Замонавий шаҳарларингиз, меҳмондўст ва очиққўнгил одамларингиз менга жуда манзур бўлди. Ўзбекистон ҳақида, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида кўп эшитганман. Бу ерга келиб, ушбу ислоҳотлар самараларини кўрдик. Одамларингиз юзидаги бахтиёр табассум уларнинг ўз ҳаётидан мамнун экани, шундай гўзал ва обод юртда яшаш бахтидан масрур эканининг инъикосидир.

Ўзбекистонда Президентингиз ташаббуси билан ҳар йилга ўзига хос ном берилиши менда катта таассурот қолдирди. Масалан, бу йил Соғлом бола йили, 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланиши мамлакатингизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

**Пауло КАСАКА, Жанубий Осиё демократик форуми ижрочи директори (Бельгия):**

— Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси бетакрордир.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятида маҳалла институти алоҳида ўринга эга эканидан хабарим бор. Мустақиллик йилларида ушбу институт янада ривожланиб, мамлакатингизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, шу жумладан, ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ўтказишнинг фаол иштирокчисига айлангани эътиборлидир. Ўзбекистон маҳалла институти фаолиятини чуқурроқ ўрганиш ниятидаман.

**Неъмутулло ИЗАДИ, эронлик кузатувчилар делегацияси раҳбари:**

— Биз мамлакатингиз сайлов қонунчилиги, унга киритилган ўзгаришлар, сайлов участкаларидаги тайёргарлик билан танишдик. Юртингизда фуқароларнинг сайловда қатнашиши, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун демократик ҳуқуқий база ва барча шарт-шароит яратилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Замонавий уй-жойлар, инфратузилма объектлари юртингиз чиройига чирой қўшиб турибди. Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, мамлакат равнақи учун дахлдорлик ҳисси юқорилиги ижтимоий-иқтисодий, илмий соҳалардаги ўзгаришларда, жумладан, сайлов жараёнларида ҳам намоён бўлмоқда.

**ЎзА мухбирлари Сайёра ШОЕВА, Назокат УСМОНОВА, Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Аминбой ОРТИҚБОЕВ ёзиб олди.**

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Ижтимоий ҳимоянинг шаффофлиги таъминланяпти

**Аҳолиси 3 минг нафардан зиёд Муҳаммад Алибой номидаги маҳалла Андижон шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудида жойлашган. Бу ерда фуқароларнинг аксарияти ҳунармандчилик билан шуғулланади. Йиғинда кейинги йилларда трикотаж саноати ҳам ривожланиб боряпти.**



**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»**

Фуқаролар йиғинининг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси аъзолари билим ва тажрибага эга, энг муҳими, маҳалла аҳли ташвиши билан яшайдиган инсонлар. Шунинг учун комиссия асосий эътиборни Намунавий низом ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан оилаларни ўрганиш, кам таъминланган хонадонлар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларни аниқлаш каби масалаларга қаратмоқда.

Йиғилишларда комиссия қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда болали оилаларга нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш бўйича қарорлар қабул қиляпти. Бу масалалар муҳокамасида комиссия аъзоларидан ташқари маҳалланинг обрў-эътиборли фуқаролари қатнашаётгани муҳим аҳамият касб этяпти.

Айни пайтда 48 та оилага бола парвариши учун нафақа ва ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти. Масалан, Токлик кўчаси 57-уйда яшовчи Зулхумор Нурматовага боқувчисини йўқотгани сабабли қорамол олиб берилди. Ҳозир хонадон соҳибаси рўзғоридан ортган сут-қатиқни сотяпти.

Моддий ёрдам туфайли кам-кўстини бутлаб олган Умидахон Мамадалиева попоп босишни ўрганиб, тез орада эл оғзига тушди. Моддий ёрдамдан сўнг зардўзлик касбига меҳр қўйган Зулфия Худойбердиеванинг бугун 5 нафар шогирди бор.

Бу фикрларни айтишдан мурод шуки, одамлар боқимандалик иллатидан халос бўлишмоқда. Ҳар бир фуқаро имкон топди дегунча тадбиркорлик фаолиятини бошлашга интилаётир. Шундайлардан бири Обоқул Ҳасанов ўз уйида трикотаж цехини очди. Ҳозир комиссия аъзоларининг таклифи билан кам таъминланган оилалардаги 4 нафар аёл ана шу цехда ишлаяпти.

Комиссия йиғилишлари баённомаларини кўздан кечириб, энг фаол аъзоларни аниқлаб олдик. Кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича комиссия аъзолари муҳокама этилган масалалар бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

Маслаҳатчи Хайрихон опа таклифи билан 2015 йил қиш фасли беталафот ўтиши учун кам таъминланган оилаларга саховатпеша, ўзига тўқ хонадонлар бириктириб қўйилди. Фарзандлари билан замонавий ромлар тайёрлайдиган Маъруф Ҳайдаров қўшниси Фаридахон Йўлдошевага, тадбиркор Абдурасул Абаев ҳамсояси Маҳбуба Ўсаровага, Фазлиддин Абдумухторов Муҳаббат Тўлановага ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Комиссия йиғилишларига Андижон шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, молия, банк-кредит муассасалари вакиллари ҳам таклиф этилаётгани эътиборга молик.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар йиғинининг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси маҳалла ҳаётида, фуқароларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда самарали иш олиб бораётгани туфайли аҳолининг эътибори ва ишончини қозоняпти.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

# Меҳр-оқибат, мурувват миллат танламайди

**Пойтахтимизнинг Сергели тумани «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғинидан Вера Лябина Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзоси сифатида тарбияси оғир ўқувчи Шамил билан тушунтириш ишлари олиб борди. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, ўқувчининг дарсларни ўзлаштириши ва давомати яхшиланди.**




Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»**

Байналмилал маҳаллада қозоқ, тожик, уйғур, озарбайжон, татар, беларус каби ўндан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотувликда истиқомат қилишади, муаммоларга ечим топишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайди.

— Меҳр-оқибат, мурувват миллат танламайди, — дейди маҳалла раиси Мунира Сулайманова. — Ҳудуддаги 1865 та хонадоннинг ярмидан кўпида турли миллат вакиллари яшайди. Светлана Пенчук салкам олти йилдан бери маҳалланинг масъул котиби лавозимида ишлаб келади. У ўзбек тилидаги маълумотларни бехато ёзади, мурожаатларни ўрганишда масъул. Вера Лябина эса 5 нафар фарзандини ўқитиб, уйли-жойли қилди. Учта келин туширган онахон йиғиндаги хайрли ишларга бош-қош.

Дарҳақиқат, ҳудуд ободлигини сақлаш, меҳр-оқибат, қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашда Александра Семёнова, Надежда Трентьева, Наталья Болонская, Дилбар Йўлдошева сингари ширинсухан уй бошлиқларининг, айниқса, кексалар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланганларга ғамхўрлик қилишда ҳиссаси катта. Улар кекса Руфия Мусинанинг ҳолидан ҳар куни хабар олишади, бир ўғилни ёлғиз ўстираётган аёлга кичим-кечак улашади, шунингдек, ногирон фарзанди бор ҳамда кам таъминланган оилаларга ижтимоий кўмак беришни канда қилишмайди.

Маҳаллада «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Биз — кўпмиллати аҳил оиламиз» мавзуларидаги учрашув ва тадбирлар ташкил этиш анъанага айланган. Миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар бардавомлиги, уларни асраб-авайлаш, сайқал топтиришда аҳоли бирдамлиги қўл келаётир. Фаоллар кўмагида йиғинга кираверишда кўркам арка бунёд этилди, ички йўллар асфальтланди, маҳалла идораси таъмирланди. Айни пайтда янги гузар қуриш режаси устида иш олиб борилаётир.

Йиғинда жонкуяр, фидойи инсонлар талайгина. Тили, эътиқоди, урф-одатлари бир-биридан фарқланса-да, юрт тинчлиги, ободлиги, фарзандлар камолоти йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш уларнинг асосий мақсадига айланган.

ЙИЛ ПОЁНИДАГИ ЎЙЛАР

# Нуфузга яраша масъулият ҳам ортади

< [1]

Қонуннинг 18-моддасига биноан асосий йўналишлар бўйича комиссиялар билан бир қаторда тафтиш комиссияси ҳам фаолият олиб боряпти. Бу эса ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, ёшларни спортга жалб қилиш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, ободонлаштириш, жамоатчилик назоратини ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда.

Поёнига етаётган йилда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ ишлар амалга оширилди. Хусусан, бевосита вилоят ҳокими ташаббуси билан ҳомийлар кўмаги ва умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган маблағлар ҳисобидан 8 та фуқаролар йиғини бино билан таъминланди, 28 та маҳалла биноси капитал таъмирланди, 44 тасининг биноси янгидан қурилди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 340 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 1 миллиард 106 миллион ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмалари ҳисобидан 438 миллион сўм маблағ сарфланди. Фонднинг бўлим ва бўлинмалари ҳамда ҳомийлар томонидан 37 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмалари ва 45 та фуқаролар йиғини мебель жиҳозлари билан таъминланди. 2500 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож оилага Фонд ва ҳомийлар ҳисобидан 115 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги 329-сонли қарорига мувофиқ, 2014 йилда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ҳамда вилоят туман ва шаҳар Кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди. Кенгашлар томонидан фуқаролар йиғинларида туман, шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича жадваллар ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, мунтазам равишда ҳисоботлар берилмоқда. Бу маҳаллалар нуфузини оширишга, давлат бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлашга, энг асосийси, демократияни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Вилоят ҳокимининг аҳоли билан учрашув ва ҳисобот йиғилишлари қатор муаммоларни ҳал этиш, фуқаролар турмуш даражасини юксалтиришга замин яратаётир.

«Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг жорий йилдаги республика босқичи айнан Навоий вилоятида ўтказилгани биз учун унутилмас воқеа бўлди. Танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида кейинги фаолиятимизда асқатадиган тажриба ва маълумотларни эгалладик.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Қизилтепа туманидаги «Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавжуда Шарипова Президентимиз фармонига мувофиқ «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Бу эътироф навоийлик маҳалла тизими ходимлари меҳнатига берилган улкан рағбат бўлди. Мухтасар айтганда, якунланаётган йил муваффақият ва шодликлар олиб келди.

Бир неча кундан сўнг янги 2015 йил бошланади. Юртбошимиз томонидан келаси йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» дея номлангани бизни қувонтирди. Зеро, ёши улуғларга эҳтиром кўрсатиш миллатимизга хос қадрият ва улуғ фазилатлардандир. Буни ёшларимиз қалбига сингдириш, уларга ота-боболаримиз босиб ўтган шонли йўл моҳиятини англатиш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу, албатта, маҳалла тизими ходимлари зиммасига ҳам масъулият юклайди. Зеро, маҳалла миллий қадриятлар бешигидир.

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

# Улуғ даъват ҳаётий аъмолга айланган

**Шуманай туманидаги «Моншақли» маҳалласи ҳузурида ташкил қилинган «Ота-оналар университети» аъзолари зиёлилар, овулнинг нуроний оқсоқоллари, тадбиркору фермерлар, хуллас, бой ҳаётий тажрибага эга инсонлардир.**

**Ж. ТУРДИМУРАТОВ, Шуманай тумани «Моншақли» маҳалласи «Ота-оналар университети» раҳбари.**

Университетимиз фуқаролар йиғини ходимлари ва асосий йўналишлар бўйича комиссиялар билан биргаликда ёш оилаларга ота-она масъулияти ҳақида фарзанд тарбияси бўйича маслаҳат ва тавсиялар бераётир.

Юртбошимизнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!», деган даъватлари университетимиз аъзолари, маҳалладошлар учун ҳаётий аъмолга айланган.

Ота билан она ўртасидаги келишмовчилик, хонадонларда юз берадиган низолардан, аввало, норасида гўдаклар жабр чекади.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган айрим оилалардаги жанжаллар бизни ташвишлантирган эди. Бор кучимиз, имкониятимизни ишга солиб, бу хонадонлардаги вазиятни батафсил ўргандик. Аён бўлишича, жанжаллар тушунмовчиликлар оқибатида чиққан. Эр-хотинларни муросага келтириш осон бўлмади, албатта. Бугун улар ўз хатоларини тўғрилашди, айни пайтда мазкур оилаларда осойишталик ҳукм сурмоқда, болалар шодон улғайишмоқда.

Ҳали балоғат ёшига етмаган коллеж ўқувчиси Б.Утамбетованинг турмушга берилаётганини эшитгач, қизнинг ота-онаси билан алоҳида суҳбат қурдик. Йигитнинг яқинларига бу борада қатъий қоида ва мажбуриятлар борлиги, қонунбузарларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланганини уқтирилди. Қолаверса, эрта никоҳ аксарият ҳолларда ёшларни бахтсиз қилиб қўйиши ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди. Қувонарлиси, қудалар болалари илм олиб, касб-корли бўлишгунча тўйни тўхтатиб туришга келишишди.

Хорижда ишлаётган овулдошларнинг фарзандлари ҳам эътиборимиздан четда эмас. Айни пайтда ишлашга кетган кишилар билан алоқа боғлашга, уларни фарзандлари бағрига қайтаришга эришяпмиз.

Университетимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар муносиб баҳоланмоқда. Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шуманай тумани бўлинмаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилган «Энг намунали ота-оналар университети» кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўринни эгалладик.

Бажаришимиз лозим бўлган долзарб вазифалар кўп. Шу боис ҳудудимиздаги оилалар пойдевори мустаҳкам бўлиши, фарзандлар саломат ва бахтиёр улғайишига ҳисса қўшишга интилаётирмиз.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди

**Тошкент вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўрилди.**

**Ашурали БОЙМУРОД «Mahalla»**

Оққўрғон тумани сайлов участкаларида асосий эътибор тарғибот-ташвиқот ҳамда фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, тушунтириш ишларига қаратилган. Маҳаллаларда тарғибот гуруҳлари тузилиб, улар сайлов кампаниясини ўтказишга оид ташкилий масалалар билан шуғулланмоқда.

Номзодлар билан таништириш мақсадида кўргазмали воситалардан унумли фойдаланилмоқда. Сайловчиларга қонунчиликка оид ҳужжатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунлар, рисолалар етказилди. Сайлов участкалари зарур жиҳозлар билан таъминланиб, бино атрофлари ободонлаштирилди.

Туманда 31 та сайлов участкаси ташкил этилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга номзодлар билан маҳаллаларда учрашувлар уюштирилмоқда. Айни пайтда туман Кенгаши депутатлигига 120 нафар номзод рўйхатга олинган бўлиб, улар ҳам ўз дастурлари бўйича тарғибот ишида иштирок этишди.

— Бўлажак сайловларда туман бўйича 66 минг 176 нафар сайловчи қатнашади, — дейди туман сайлов комиссияси аъзоси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Ботир Холиқулов. — Жумладан, илк бор овоз бериш ҳуқуқига эга 8 минг нафардан зиёд ёшнинг сайловларда қатнашиши кутиляпти. Ёш сайловчилар билан алоҳида учрашувлар ўтказилмоқда.

Маҳалла раисларининг сайлов участкаларини ташкил этишда фаоллик кўрсатаётгани эътиборга молик.

— Илк бор сайловда қатнашаётганимдан ҳаяжондаман, — дейди «Наврўз» маҳалласидан Шоира Абдуғаффорова. — Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда сайлов куни энг муносиб номзодларга овоз берамиз.

Дарҳақиқат, айни кунларда туманнинг барча сайлов участкаларида иш қизғин. Қувонарлиси, сайловчиларнинг рўйхатини шакллантиришда маҳалла фаоллари камарбаста бўлишди.

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

# Муаммолар ечимида муҳим кафолат

< [1]

— Шаҳримиздаги 36 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, шу жумладан, 1 та шаҳарча, 35 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳар чоракда туман раҳбарларининг аҳоли билан учрашувлари ташкил этиляпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Каттақўрғон шаҳар бўлинмаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Алишер Абдусатторов. — Бундан уч-тўрт йил олдин фуқароларга: «Фалон раҳбар маҳаллада ҳисобот беради. Унда сизлар ҳам қатнашиб, бевосита ўзингизни қийнаётган муаммолар юзасидан мансабдор шахсга мурожаат қилишингиз мумкин», десак бепарво қарарди. Ҳозир эса бунинг бутунлай акси: бирор-бир масала пайдо бўлса, аҳоли унинг ечимини маҳаллалардаги ҳисоботлардан қидирмоқда.

Негаки, фуқароларнинг мурожаатлари асосида маҳаллалар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижросини таъминлаш мажбурийдир. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида фуқаролар йиғинлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасидаги қарорлар тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар ҳамда юридик шахслар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши мажбурий экани белгилаб қўйилган.

Жорий йилнинг учинчи чорагида Каттақўрғон шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Бахтиёр Назаров «Ғарб мачит» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳисобот берди. Учрашувда асосий эътибор касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга қаратилди. Бу йил шаҳар бўйича 2 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллежларни тамомлаган бўлса, уларнинг аксарияти ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.

— Ҳудудимизда 8 та савдо ва 13 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бор, — дейди маҳалла раиси Анвар Асраев. — Ушбу тадбиркорлик субъектлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганимиз туфайли уларга бирор-бир йўналиш бўйича мутахассис керак бўлса, дарҳол бизга мурожаат қилишади. Жорий ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини тадбиркорларга бириктирдик. Улар, аввало, шу ернинг ўзида амалиёт ўташ баробарида келгусида муқим иш ўринларига эга бўладилар.

«Яккабоғ» маҳалласида шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Шокир Қувоновнинг аҳоли билан учрушувида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш, ўқувчилар давоматини назорат қилиш масаласи ўрин олди. Шунингдек, ҳудуддаги интернет-кафелар эгаларига дарс пайти компьютер ўйинхонасида ўйинларни тўхтатиш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Бу ҳолатни назорат қилиш эса маҳалланинг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари зиммасига юклатилди.

«Каттақўрғон шаҳар газ» давлат унитар ҳамда шаҳар электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари Фахриддин Азизов ҳамда Вакил Эшқувватовнинг Амир Темур номидаги маҳаллада берган ҳисоботида аҳоли томонидан газ босимининг пастлиги, электр энергиясидаги узилишлар бўлаётгани ўртага ташланди. Бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши бевосита коммунал тўловларнинг ўз вақтида тўланиши устидан ўрнатилаётган жамоатчилик назоратига боғлиқлиги фуқароларга тушунтирилди.

Хуллас, кучли фуқаролик жамиятида бирор-бир муаммо аҳолининг эътиборидан четда қолмайди. Бугун юрт тақдирини ўз ҳаёти билан чамбарчас боғлаган фуқаролар сафи тобора кенгаймоқда. Улар ҳудудларда юзага келаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топишнинг энг самарали йўли маҳалла институти эканини яхши билишади. Фуқаролар йиғинларидаги ҳисоботлар эса, барча масалаларга ойдинлик киритаётир.

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВҒОСИ

# Ўзга юртнинг боғи билан боғчаси ўз юртимнинг тупроғича кўринмас...

**Мағфират хола беҳол, ёнида шифокор унга қараб ўтирибди. Шу пайт ташқаридан машинанинг тўхтаган товуши эшитилди, ғала-ғовур кўтарилди: «Келтиришди!». Бу гапдан Мағфират холанинг кўзлари «ярқ» этиб очилиб, у ташқарига талпинди. Бироқ туришга мадори етмади.**

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

...Мақсуднинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ эди. Бўёқчиликми, сувоқми, дурадгорликми — ҳаммасини ўринлатарди. Раҳматли отаси уни ёшлигидан ҳунарга ўргатган. Шу боис қишлоқдаги аксарият иморатлар уларнинг қўлидан чиққан. Нима бўлдию, йигит хорижга кетиш пайига тушиб қолди. Ёши бир жойга бориб қолган Мағфират ая ўғли билан келинини ниятидан қайтаролмай, икки норасидани бағрига босганча мунғайиб қолаверди. Олдинига хат-хабарлашиб турган эр-хотиндан сўнгги беш-олти ойда дарак бўлмади. Бир ҳафта илгари эса, машъум хабар келди...

Мағфират хола ташқарига чиққанида темир тобутларни очишган, аммо Мақсуд ва Замиранинг юзини таниб бўлмасди...

Ўз оиласини, севимли касб-корини, она юртини ташлаб, йироқларга отланган, оқибатда ҳаёти фожиали якун топганлар ҳақида эшитганда беихтиёр ачинади киши. Таассуфлар бўлсинки, минг тушунтириш, огоҳлантириш чораларига қарамай ҳамон кимларнингдир макрига учаётган, одамфурушлар тузоғига тушаётганлар учраб турибди. Ваҳоланки, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муносиб ҳимояланадиган юртимизда одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база, аниқ тизим яратилган.

Таъкидлаш жоизки, одам савдосини келтириб чиқарадиган сабаблар кўп. Шулардан бири аҳолининг ноқонуний миграциясидир. Жаҳон сиёсатчилари томонидан долзарб муаммолардан бири сифатида таъкидланаётган бундай миграция ижтимоий муносабатларнинг бузилишига, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг кўпайишига олиб келади.

Аввало, узоқ муддат ишлаш учун чет элга кетганларнинг ўз оиласидан йироқда бўлиши оилавий муносабатларнинг бузилишига, кўп ҳолларда эса ўзаро ишончнинг барҳам топишига сабаб бўлса, чет элда ҳам улар қатор муаммоларга дуч келишади. Чунки бундай мигрантларга тиббий хизмат кўрсатиш, фарзандларига таълим-тарбия бериш ва бошқа ижтимоий муносабатлар қўшимча маблағлар талаб этгани боис аксарият ҳолларда улар бундан бебаҳра қолишади. Бундай ҳол эса, кишини жиноятга етаклайди.

Тўғри, инсон хоҳлаган жойида яшашга, ишлашга ҳақли. Бундан 66 йил муқаддам қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13-моддасида таъкидланганидек, ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга. Аммо масаланинг бошқа томонини ҳам унутмаслик керак. Хорижга кетаётганлар, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билиши, бораётган мамлакати қонунчилигидан хабардор, юксак маънавий дунёқарашга эга бўлиши уларни турли кўнгилсизликлардан, нопоклар алдовидан сақлайди. Чет элга борган киши хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, маданияти орқали юртимиз ҳақида муайян таассурот уйғотади. Демак, унинг гарданида юрт шаъни ва қадрини баланд тутишдек масъулият ҳам бўлади. Қолаверса, қалби ва онгида мустаҳкам маънавий иммунитет шаклланган киши ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмайди, ОИТС/ОИВ, гиёҳвандлик сингари балолардан сақланади.

Мутахассисларнинг фикрича, ноқонуний равишда хорижда ишлашга кетган кишиларнинг ОИВ ва бошқа касалликларни юқтириши эҳтимоли юқори экан. Чунки уларда жинсий ва қон орқали юқадиган касалликлар, уларнинг олдини олиш йўллари билан батафсил танишиш имконияти бўлмайди. Бундан ташқари, чет элда маданият, урф-одат ва қадриятлардаги тафовутлар, дискриминация(камситилиш)нинг мавжудлиги, ОИВ ва бошқа касалликларнинг олдини олиш бўйича маълумотлар, ҳимоя воситалари, тиббий хизматдан баҳраманд бўла олмаслик, тил билмаслик сабаб эркин муносабатларни йўлга қўйиш имконияти чеклангани оқибатида баъзи мигрантлар мураккаб вазиятларга тушиб қолмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ОИВ инфекцияси аниқланганларнинг салкам 14 фоизини меҳнат мигранти сифатида чет элда бўлиб, юртимизга қайтган фуқаролар ташкил этади.

Мамлакатимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга долзарб вазифа сифатида қаралади. Бу масалага кенг жамоатчилик эътибори жалб қилиниб, аҳоли, айниқса, ёшлар огоҳлигини кучайтириш мақсадида барча таъсирчан воситалардан унумли фойдаланилмоқда. Мазкур долзарб вазифалар ижросида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳам ўзига хос масъулияти бор.

Айни пайтда Фонд ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан аҳоли ўртасида изчил тарғибот тадбирлари уюштирилиб, ноқонуний миграциянинг аянчли оқибатлари, хорижда ишлашнинг қонуний йўллари, юртимиздаги қулай имкониятлар ҳақида тушунчалар берилаётгани кўплаб фуқароларни билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишдан сақлаётир. Фуқаролар йиғинлари фаоллари, шубҳасиз, ўз ҳудудини яхши биладиган, маҳалладошлари касб-кори, яшаш тарзидан хабардор кишилар. Шу боис миграция оқибатларини бартараф этишдек долзарб муаммоларда маҳаллаларнинг кўмаги ҳар жиҳатдан қўл келади. Мамлакатимиздаги ҳар бир йиғин ҳудудида доимий рўйхатда турувчи, аммо айни пайтда шу манзилда истиқомат қилмаётган шахсларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириб, шу асосда изчил чора-тадбирлар олиб боришда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг иштироки қўл келаётир.

— Вилоятимиздаги 18 та туман ва шаҳарда доимий яшовчи фуқароларнинг ташқи ва ички миграцияси бўйича мониторинг жадвали юритилмоқда, — дейди Фонднинг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви етакчи мутахассиси Азиз Абдуазимов. — Унга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 91 мингдан зиёд киши ички ва ташқи миграция жараёнида қатнашмоқда. Булар орасида нафақат хорижга ишлаш ёки бошқа сабаб билан чиқиб кетганлар, балки турмушга чиқса-да, ота уйи манзилида рўйхатдан ўчмаган аёллар, республикамиздаги бошқа манзилда узоқ муддатдан буён яшовчи шахслар ҳам бор. Айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғинларида бундай ҳолатларнинг олдини олиш, республикамиздаги паспорт тизими, миграция оқибатларини тушунтириш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётир. Бироқ бу борада йўл қўйилаётган камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Олмалиқ шаҳридан тақдим этилган маълумотларга кўра, ноқонуний миграцияга қарши курашиш натижасида жорий йилда 3175 нафар киши ўз уйига қайтиб келган.

Вилоятнинг яна бир ҳудуди — Чирчиқ шаҳрида доимий рўйхатда туриш жойида узоқ муддатдан бери яшамаётганлар 515 нафарни ташкил этади. Ўқиш ёки ишлаш мақсадида хорижга чиқиб кетганлар сони кўрсаткичи анча юқори. Шу боис ушбу масалада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чирчиқ шаҳар бўлинмаси мутасаддилари олдида талайгина вазифалар турибди. Қўшни давлат билан чегарадош ҳудудларда мазкур масала янада долзарб аҳамият касб этади.

Унутмаслик жоизки, дунёда ноқонуний миграция ортидан чўнтагини қаппайтираётганлар бисёр. Жумладан, аксарият давлатлардаги «тадбиркор»-корчалонлар арзон ишчи кучидан фойдаланиш мақсадида четдан ноқонуний кириб келган шахсларни ҳеч қандай ижтимоий ҳимоясиз ишлатишдан манфаатдор. Бундай кишилар эса энг кам иш ҳақи эвазига, оғир шароитларда ишлашга мажбур. Бугунги кунда глобал муаммолардан бири бўлган одам савдоси айнан шу жиҳатларга кўра ноқонуний меҳнат билан чамбарчас боғланиб кетган.

«Ўзга юртнинг боғи билан боғчаси ўз юртимнинг тупроғича кўринмас», деганида шоир минг бор ҳақ. Шундай экан, қадрдон манзилингиз, жондан азиз яқинларингиз бағридан узоқлашишдан аввал чуқур мулоҳаза юритиб кўринг. Зеро, ҳар ернинг ўз тошу тарозуси бор. Она юрт қучоғидаги қайноқ меҳр тафтини бошқа бирор маъводан топишнинг иложи йўқлигини англаб етишга кечикманг.

ҚАДРИЯТ

# Меҳнатининг завқи бошқача

**Шофирконнинг «Саврак» маҳалласини ҳунармандлар маскани сифатида алоҳида тилга олишади. Ҳудуддаги ҳар бир оила ҳунармандчиликнинг бирор-бир тури билан шуғулланади. Ҳусеновлар оиласи шулар сирасидан.**

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Хонадон соҳибаси Нигора опа — моҳир уста зардўз. Унинг матога зар иплардан турли хил шакллар, нақшлар солиб тиккан белбоғ, чойнакпўш, тўнларини кўрган киши маҳоратига тан бериши тайин. Ҳунари туфайли Нигора Ҳусенова нафақат вилоятда, балки юртимиз ҳунармандлари орасида кенг танилган. Чунончи, у бир неча бор «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида ғолибликни қўлга киритган.

Бундан беш йилча муқаддам Н.Ҳусенова ҳудуд аёлларига ҳунар сирларини ўргатиш ва шу орқали уларни меҳнатга жалб этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда марказ ташкил этган эди. Марказда ҳунар ўрганган 20 нафар хотин-қиз бугун оилалари моддий аҳволини яхшилашга ҳисса қўшмоқда.

Айтиш жоизки, ҳунарманд оилавий бизнесини ҳам йўлга қўйган: қизи Нигина матога заркашта солса, ўғли Шоҳнур тайёр маҳсулотлар маркетинги билан шуғулланади, уларни мижозларга элтиб беради, буюртмалар қабул қилади.

— Болалигимда корчўпга бўйим етмасди, стулга кўрпача тўшаб, тикиш учун қулайлик яратиб беришарди, — дея кулиб эслайди Нигина. — Шу тариқа ушбу ҳунарни ўрганганман. Зардўзлик кишидан сабр-тоқат, чидам, маҳорат талаб этади. Бу меҳнатнинг айрича завқи ҳам бор. Каштадўзлик ҳам худди шундай. Ҳозирги кунда зардўзи кийимлар тикишнинг замонавий технологиялари мавжуд. Лекин биз миллий анъаналаримизга таянган ҳолда, уларни замонавийлик билан уйғунлаштириб қўлда тикамиз. Мақсадим — келгусида шу ҳунарни мукаммал эгаллаб, онам каби элга ҳунарманд бўлиб танилиш, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшиш.

— Маҳаллани тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Нигора опа. — Келгусида ишимизни янада кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича режалар туздик. Зеро, бунга бизда имконият ҳам, шароит ҳам етарли.



ТУРИЗМ — ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚ

# Табиатнинг бетакрор туҳфаси

**Она-Ватанимиз бетакрор табиати, мўътадил об-ҳавоси, бенazир маданий обидалари билан дунё аҳлининг эътиборини тортиб келаётир. Жуда катта туристик салоҳиятга эга бўлган ўлкамиздан йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳлару меҳмонларнинг қадами узилмайди.**

С. УВРАИМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

Ҳозирги замонавий шароитда туризм катта иқтисодий фойда келтирадиган истиқболли тармоқ сифатида жадал тараққий этиб бораётир. Анъанавий турларидан ташқари, сайёҳликнинг тоғ, сув туризми, автотуризим, спорт ва пиёдалар туризми каби турлари ҳам оммалашиб бормоқда.

Юртимизда «Ўзбектуризм» миллий компанияси хорижлик сайёҳларга мамлакатимизнинг бой туристик салоҳиятини намоён этаётир. Чунончи, биргина Тошкент вилоятининг ўзида «Чорвоқ», «Чимён», «Билдирсой» каби кўплаб дам олиш оромгоҳлари, юзга яқин хусусий меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу эса республикамизда минг-минглаб туристларни қабул қилиш ва уларга малакали хизмат кўрсатиш имконияти мавжудлигидан далолатдир. Ҳудудлардаги 300 дан ортиқ шифобахш ер ости суви манбаларининг 121 тасидан аҳоли саломатлигини тиклаш мақсадида фойдаланилмоқда. Маданий ва тарихий туризмнинг жадал ривожланаётгани давлатимизнинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшаётир.



Сўлим тоғлар бағридаги баҳаво «Чорвоқ» сув омбори ҳудуди ёзда зилол суви, беғубор ҳавоси билан, қишда эса мўътадил ҳарорати, қорли манзаралари билан сайёҳларни ўзига ром этади. Кейинги йилларда Чорвоқда кўп ўзгаришлар юз берди: янги бинолар, дам олиш масканлари, сиҳатгоҳлар, шинам ошхоналар қурилди. Машиналар қатновини яхшилаш мақсадида равон йўллар барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда қишки туристик зона, деб ҳисобланадиган Чорвоқ ҳудуди Чотқол тоғ тизмаси ён бағрида жойлашган. Бу зонада кўплаб оромгоҳлар, саломатлик марказларида кўнгилли ҳордиқ чиқариш, соғлиқни мустаҳкамлашнинг барча имкониятлари яратилган. Тоғ чанғи спорти марказида дам олувчилар декабрдан апрель ойигача қишки спорт турлари билан шуғулланиб, қиш зийнатидан баҳра олишади. Хизмат кўрсатиш шохобчаларида турли русумдаги чанғи, чана ва сноубордлар ижарага берилади.

Мен шу сўлим гўшада туғилганман. Ҳозир талабаман. Келгусидаги фаолиятимни жаннатмонанд Чорвоғим билан боғламоқчиман. Тенгдошларимнинг ҳам орзу-ниятлари Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши, фаровон ҳаёти учун астойдил хизмат қилишдан иборат.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# Ўт балосидан асрасин: ёндиради, куйдиради, кул қилади

**Жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар мамлакатимизда эълон қилинган ёнғин хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказишда барча ёнғиндан сақлаш хизматлари фаол иштирок этаётир.**

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби катта ўқитувчиси, подполковник.
Аллаяр АҲМЕДОВ,
ўқитувчи, катта лейтенант.

Соҳа ходимлари томонидан аҳоли пунктларида, таълим муассасаларида, давлат аҳамиятига молик ёки портлаш хавфи юқори бўлган объектларда аҳоли, қолаверса, ташкилот ва муассасалар ходимлари билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича мунтазам тушунтириш ишлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг турли объектларидаги ёнғин-техник комиссиялари ташкилот ва саноат корхоналарининг ишчи, хизматчи ва муҳандис-техник ходимлари иштирокидаги ёнғиндан сақлаш гуруҳлари билан ҳамкорликда жойларда ёнғинга қарши тартиб-қоидаларга қай даражада риоя қилинаётганини назоратга олиш, бирламчи ўт ўчириш воситаларининг ҳолатини текшириш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 16 минг 743 та тадбиркорлик субъектида профилактик кўриклар ўтказилиб, ёнғин хавфсизлигига оид кўрсатма ва тавсиялар берилди. Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳамда шаҳар ва туман бошқармалари мутасаддилари томонидан тузилган режага асосан хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида 2 мингдан зиёд очиқ эшиклар куни уюштирилиб, фуқаролардан тушган 1500 дан ортиқ талаб ва истаклар белгиланган тартибда амалга оширилди.

Ойлик доирасида ўтказилаётган тадбирларда таълим муассасаларининг ҳам қамраб олинаётгани ва уларда ёш ўт ўчирувчилар гуруҳларининг ташкил этилишига эътибор қаратилаётгани кутилган натижаларни бераётир. Бундай тадбирлар нафақат ойлик давомида, балки йил мобайнида уюштирилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида соҳа ходимлари томонидан мактабгача таълим, олий ва ўрта таълим муассасалари, махсус интернат-мактаблар, Меҳрибонлик уйларида ўқувчи-ёшлар ва тарбияланувчилар, педагог ходимларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида 11 минг 400 мартадан зиёд учрашув ва суҳбат ўтказилди. Шунингдек,



ёнғин ва фавқулодда вазиятларда захира чиқиш йўлакларидан тўғри фойдаланиш ва ҳаракатланиш бўйича 9 мингга яқин ўқув-машқ, 1041 марта викторина ва конкурс ташкил этилди.

Мамлакатимизда ўт ўчириш хизматини техник ва технологик жиҳозлаш, бу борада малакали мутахассисларни тайёрлашда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг хизмати катта. Мактабда ёнғин хавфсизлиги ойлиги муносабати билан корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари, мутахассислари учун ёнғин ва техника масалалари бўйича семинарлар, малака ошириш ўқишлари ташкил қилиниб, уларга соҳадаги янгиликлар ҳақида маълумотлар берияпти.

ХУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР ! ХУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР ! ХУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР !



ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

# Ажралишдан арш ларзага келади

**…Гулнора арзимаган тортишув сабаб, қайнона-қайнотасининг «ҳай-ҳай»лаганига қарамай икки яшар ўғлини етаклаб, ота уйига йўл олди. Ўғлининг хархашасига эътибор бермай катта кўчадан кетиб бораётган Гулнорага Насиба опа рўбарў келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Насиба опа «нима гап»лигига қизиқди. Маълум бўлишича, келин арзимаган гапга аразлаб кетаётган экан.**

■ **Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

— Шу майда гап туфайли оилангизни барбод қилмоқчимисиз?! Қани, уйингизга юринг-чи! — дея Насиба опа уни шаштидан туширди.

Гулнора тўғрисўз, чўрткесар бу аёлнинг раъйини қайтаролмай, беихтиёр унга эргашди. Дастурхон бошида ўтирган Сухроб аёли Гулноранинг Насиба опа билан бирга кириб келганини кўриб шошиб қолди. Хонадон эгалари Насиба опанинг ҳурматини жойига қўйишди, унинг гапларига қулоқ солишди. Опа Гулнора ва Сухробга сабр-бардошли бўлиш, фарзандлари камолини ўйлаш даркорлигини, оиласи қўрғонини мустаҳкамлаш уларнинг сабр-бардоши, иродасига боғлиқ эканини уқтирди. Эр-хотин муросаю мадорага келишгач, Насиба опа бир оилани парокандаликдан сақлаб қолганидан мамнун бўлиб, идораси томон йўл олди.

Узун туманидаги «Хонжиза» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Яраштириш комиссияси аъзолари низомга мувофиқ, ўз фаолият йўналишларини аниқ белгилаб олишган.

— Комиссия аъзолари фуқароларнинг тинч-осойишта, ҳамжиҳат яшашига кўмаклашиш, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашга интилишаётир, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фазилат Дўстмуродова. — Аъзоликка ҳудудда обрў-эътибор қозонган, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларни танлаганмиз. Улар оилавий низоларнинг тинч йўл билан ҳал этилишида, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда. Ўтган вақт мобайнида фуқаролар томонидан тушган 12 та аризанинг барчаси ўрганиб чиқилди, юзага келган муаммолар бартараф этилди. Арзимаган гап-сўз туфайли эр-хотин ўртасида келиб чиқадиган жанжалларнинг олдини олиш мақсадида йиғинимизда «Оиланинг мустаҳкам пойдевори — бирдамликда!» мавзусида мутасадди идоралар вакиллари билан бирга давра суҳбатлари ўтказиб келинаётир.

Комиссия аъзоси Насиба Ёдгорова ҳам қатъиятли феъл-атвори, холис муносабати билан маҳаллада обрў қозонган фаоллардан. Йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш, ажралишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этиш, оила муқаддаслигини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган тарғибот унинг иштирокисиз ўтмайди. Эр-хотин, қайнона ва келин, яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасида учраб турадиган низоларни бартараф этиш, ўзаро муносабатларни тиклашда Н.Ёдгорова доимо миллий қадриятларимизга мос чора топа олади.

Ҳар ойнинг охирги шанба куни йиғинда «Намунали оила мактаби» мавзусида амалий семинар-тренинг ўтказилади. Унда намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатлар ҳақида сўз боради. Йиғинга ҳар жиҳатдан намунали ва фаол оилаларнинг вакиллари таклиф этилади.

Хонжизалик фаолларнинг миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда олиб бораётган тарғибот ишлари туфайли кейинги йилларда бирорта оилада ажралиш кузатилмади. Шу боис уларнинг тажрибасидан Узун туманидаги бошқа йиғин фаоллари фойдаланмоқда. Меҳнатга яраша рағбат, деганларидек, йиғиннинг Яраштириш комиссияси туман миқёсида ўтказилган «Энг намунали Яраштириш комиссияси» кўрик-танловида ғолиб бўлди.

ФОТОТАНЛОВ

# Қардон масканда акс этган қадриятлар



< [1]

Юқорида сўз юритганимиз Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойина» ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Маҳалла — маънавият ўчоғи» фототанловининг якуний босқичида намойиш этилган асарлар хусусида эди. Анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур танловдан кўзланган мақсад маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган эзгу ишларни ва ибратли тажрибаларни кенг тарғиб этиш, ёшларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, юртимиздаги демократик ислоҳотлар жараёнида маҳаллаларнинг жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва таъсири кучаймоқда, миллий қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мамлакатимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, юртимиздаги демократик ислоҳотлардан ҳар бир инсоннинг баҳрамандлигини оширишда фаоллик кўрсатаётир.

Ўттиз нафардан зиёд профессионал ва ҳаваскор фотоижодкор тўрт юзга яқин фотоасарини тақдим этган танловда миллий ва маънавий қадриятлар, миллатлараро тотувлик, яхши қўшничилик анъаналари, жамоатчилик комиссиялари, «Ота-оналар университети» тузилмаси, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик дастурининг ўзига хос йўналишлари улуғланди.

— Маҳалла — жуда ноёб, дунёда ўхшаши йўқ тузилма, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Владимир Шлосберг. — Унинг кишилар ҳаётидаги ўрни, тарбиявий аҳамияти жуда улкан. Мен маҳалла билан боғлиқ гўзал воқеаларга жуда кўп гувоҳ бўлганман. Бир куни дўстимнинг таклифи билан Наврўз байрами арафасида бир оилага меҳмонга бордим. У ерда тадорик авжида, барча бир бўлиб сумалак тайёрлашаётган экан. Ҳовлида хурсандчилик, ёшлар хизматда, катталар иззатда. Шу пайт офтобрўядаги сўрида ўтирган нуроний онахон эътиборимни тортди. Юз ёшли бу аёл барчанинг бошини қовуштириб турарди. Атрофида невараю эваралар гирдикапалак. Сумалак тайёрлашга оид маслаҳатларини бераркан, момонинг кўз қарашлари, имо-ишоралари ҳам фарзандлар учун муҳим аҳамиятга эгалигини англадим. Айтганини сўзсиз бажаришар, уни жуда ҳурмат қилишарди. Маҳалланинг таъсир кучини ифода этган бу лавҳаларни мангуга муҳрлаш учун дарҳол фотообъектни шу томонга тўғриладим. Мен кузатган хонадондаги манзараларни ҳар бир маҳаллада учратиш мумкин. Келгусида маҳалла билан боғлиқ туркум фотоасарлар яратиш, унинг моҳиятини кенгроқ тарғиб этишга бел боғладим.

Дарҳақиқат, ушбу танлов кўплаб ижодкорларга ана шундай руҳ ва куч берди. Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, 11 нафар ижодкор рағбатлантирувчи мукофот ва сертификатларга эга бўлишди. Улар орасида мамлакатимиздаги турли нашрларда фаолият юритаётган фотоижодкорлар билан бирга ёш ҳаваскорларнинг ҳам кўплиги қувонарли. Айниқса, танловда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлаш даркор. Ўз ижодий ишлари билан барчанинг эътирофига сазовор бўлганлар муносиб рағбатлантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Владимир Шлосберг 1-ўрин, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Бобур Алимхўжаев 2-ўрин, Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасининг яна бир аъзоси Ҳуснилдин Ато 3-ўринга лойиқ топилди. Ғолиб ва совриндорларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов иштирок этди.




## Ҳамкорликда курашилади

**Покистон ва Афғонистон давлатлари терроризмга қарши ҳамкорликда курашишга келишиб олди.**



Покистон армияси бош қўмондони Раҳил Шариф Кобулда Афғонистон президенти Ашраф Ғаний билан ўтказган музокараларидан сўнг томонлар шундай қарорга келишган.

Ушбу ташриф олдидан Покистоннинг Пешовар шаҳрида жангариларнинг мактабга қилган ҳужуми оқибатида 150 нафарга яқин киши, жумладан, кўплаб ёш болалар ҳалок бўлган эди. Ҳужум учун масъулиятни Покистонда фаолият юритувчи «Таҳрики Толибон» гуруҳи ўз зиммаси олган.

Мазкур хунрезлик ортидан Покистон бош вазири Навоз Шариф терроризм билан боғлиқ жиноятларда айблангланларга нисбатан ўлим жазосига мораторийни бекор қилиш тўғрисидаги фармонни имзолади.

## Сув остидаги мўъжиза

**Япониянинг «Shimizu Corporation» қурилиш компанияси ер танқислиги муаммосига янгича ечим топди.**



Сув остида 5 минг аҳолига мўлжалланган шаҳарча қуриладиган бўлди. «Ocean Spiral» дея номланадиган лойиҳа диаметри 500 метрга етади. «The Wall Street Journal»нинг хабар беришича, қиймати 26 млрд. долларлик иншоот беш йилда қурилиши лозим. Бироқ лойиҳа муаллифлари уни 15 йил давомида бунёд этишмоқчи. Қурилиш ишларида сув остининг оғир босимига бардошли катта ҳажмдаги ашёлар зарур бўлади.

Лойиҳа Токио университети, денгиз геологияси фани бўйича агентлик ҳамда Япония ҳукуматининг балиқчилик хўжалиги идораси иштирокида ишлаб чиқилган.

Сувости шаҳарчасидан илмий-тадқиқот маркази ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган иншоотлар, тураржойлар, дам олиш майдончалари, сайр йўлкалари, боғ ва ресторанлар ўрин олади. Денгизнинг 1-4 км. тубига 15 км.лик спиралсимон лифт билан тушилади. Бундай тизим сув остидан оғир юкларни осонлик билан кўтариш имконини беради.

## Заҳматли меҳнат эътирофи

**Эбола вирусига қарши курашаётган шифокорлар «Time» журнали томонидан йил одами, деб топилди.**



Эбола хасталиги жорий йилда ғарбий Африкада беш мингдан зиёд одамнинг ёстиғини қуритди. Биргина Либерияда вирусни юқтирган 2700 нафар одам ҳаётдан кўз юмди.

Шунингдек, жорий йилда йил одами номига номзоди кўрсатилганлар орасида Рим Папаси Франциск, Германия канцлери Ангела Меркел, 17 ёшли покистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Малала Юсуфзай ва Нигерияда «Боко Ҳарам» ҳаракати томонидан ўғирлаб кетилган қизлар ҳам бор.

«Time» нашрининг «йил одами» номи энг кўп муҳокама қилинган ёки инсоният ҳаётига хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, катта таъсир кўрсатган шахслар ёки шахслар гуруҳига берилади.

■ **Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ

# Замонавий, ранг-баранг ва хавфсиз

**Фарзандларимизнинг спортга қизиқишини оширишда маҳаллаларда қурилаётган спорт майдончаларининг аҳамияти катта. Жорий йилда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳисобидан 21 та болалар майдончаси ташкил этилди.**

■ **Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»**

Бугун ушбу кўркам ва замонавий майдончалар оилаларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, кичкинтойларнинг вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилаётир.

Бектемир туманидаги «Нурафшон», Миробод туманидаги «Олтинкўл», «Боғишамол», «Салар», «Чинор», «Афросиёб», «Толариқ», «Янги Қўйлиқ», Мирзо Улуғбек туманидаги М.Исмоилий номидаги, «Шаҳриобод» маҳаллаларида 5 та болалар майдончаси, Олмазор туманидаги «Обод», «Умид», «Чуқурсой», Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа», «Зафаробод», «Жангоҳ» маҳаллаларига Фонд шаҳар бўлими ҳисобидан замонавий болалар майдончалари қуриб берилди.

Шунингдек, Фонднинг шаҳар бўлими ҳисобидан Чилонзор туманидаги «Шарқ», «Гулистон», «Олмазор», Сергели туманидаги «Наврўз», «Нилуфар», «Йўлдош», «Учувчилар», Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳаллаларида шундай майдончалар қуришга киришилди.

Соғлом бола йилида маҳалла ва мавзелардаги 181 та болалар майдончаси ҳомийлар томонидан зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

# Ҳуқуқ ва бурч бирдек мужассам

**САВОЛ:**

***— Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ифодаланган?***

**Б. РАҲИМОВ.**
**Чирчиқ шаҳри.**

**ЖАВОБ:**

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизда тўла-тўкис ўз ифодасини топган. Унинг барча бўлим ва бобларида, ҳар бир моддасида республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланган.

Хусусан, Бош Қомусимизнинг 2-бўлим 5-боб 18-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».

Қолаверса, ушбу бобнинг 19-, 20-моддаларида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ экани, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳамда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт экани белгилаб қўйилган.

■ **Одилжон АБДУХОЛИҚОВ, Бекобод шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.**

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

# Қалбга йўл топмоқ осонмас, аммо бусиз самара йўқ

**— Одамлар қалбига йўл топиш осонмас. Аммо буни уддаламай тарбиявий ишларда самарага эришиб бўлмайди, — дейди Жиззах шаҳар «Қипчоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбар Холмуродова**

■ **Бек НАЗАР «Mahalla»**

Шаҳарнинг Етимтоққа туташган қисмида жойлашган бу маҳалла табиатининг гўзал ва баҳаволиги билан ажралиб туради. Ана шу табиий имкониятлари ҳисобга олиниб, маҳалла ҳудудида «Истиқлол» болалар истироҳат боғи, турли спорт иншоотлари қурилди. Соғлом бола йилида фаоллар, тадбиркорлар ташаббуси билан яна бир дам олиш маскани — «Наврўзбулоқ» болалар истироҳат боғи барпо этилди.

Маҳалла бугун нафақат ободлиги, айни пайтда осойишталиги, маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилгани туфайли ҳам намунали ҳудудга айланди. Бу ерда оилаларда аҳилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. 2013-2014 йилларда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда 35 мартадан ортиқ маънавий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди. Маҳаллада кейинги уч йилда аёллар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар содир этилмади.

Бундай натижаларга эришишда маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбар Холмуродованинг ҳиссаси катта. Намунали оиланинг бекасини маҳаллада кўпчилик ҳурмат қилади. У ўн йилдан буён шу вазифада ишлаб, тажриба тўплаган.

— Тарбиявий ишларда маърифий тарғибот тадбирларининг таъсири катта, — дейди Д. Холмуродова. — Бироқ ишнинг самараси тадбирлар сони билан эмас, балки таъсирчанлиги билан ўлчанади. Шунинг учун маънавий-маърифий тадбирларда уларнинг тарбиявий аҳамиятини оширишга, ватанпарварлик ғояларини ёшлар қалбига етказишга ҳаракат қилаётирмиз. Маҳаллада долзарб мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари, анъанавий мусобақалар мунтазам ўтказиб турилиши ҳам тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошираётир.




(ЎзА) сурати.

Хусусан, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга эътибор қаратилаётгани бу борада яхши самара бермоқда. Бунда фаоллар, ҳududдаги умумтаълим мактаблари жамоалари билан ҳамкорликда турли фан, ҳунармандчилик ва спорт тўгараклари ташкил этишга катта аҳамият берилаётир. Эътибордан четда қолаётганлар, тарбияси оғир ёшлар йўқ. Ёлғиз кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар доимо ғамхўрликдан баҳраманд.

Яқинда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» танловининг вилоят босқичида Дилбар Холмуродова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичи қатнашчиси бўлди. Дарҳақиқат, ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган тажрибали маслаҳатчининг маҳаллада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича режалаштирган ишларидан ибрат олса арзийди

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: М.Латипова

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
*Босмахона манзили:*
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 19985 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1703 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00